10598

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 9 апрель пайшанба

Сотувда эркин нархда № 72 (1853)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Ислом Каримов,

Қурбон байрами муносабати билан Сизни ва қардош ўзбек халқини самимий қутлайман.

Барчангизга омонлик, бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу,

Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан, шунингдек ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларини муқаддас Ийд ал-Адҳо байрами билан чин юракдан муборакбод этаман.

Меҳрибон ва Қодир Аллоҳ мамлакатларимиз халқларининг, шунингдек бутун Ислом олами халқларининг якдиллик ва жипслашишга бўлган интилишида доимо мададкор бўлсин.

Мен Меҳрибон ва Қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бардамлик ва узоқ умр, Ўзбекистон халқига эса бутун мусулмон аҳли билан биргаликда тараққиёт ва равнақ ато этишини сўрайман.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

**СУХАРТО,**
**Индонезия Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Сиз Жаноби Олийларини муқаддас Ийд ал-Адҳо байрами билан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Сурия халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни, Сиз орқали бутун қардош ўзбек халқини бу байрам билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Парвардигори оламдан Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқи ва бутун Ислом аҳлига эса эзгулик ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

**Ҳафиз ал-АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловларимизни йўллаш бизга улкан мамнуният бахш этади. Бу муқаддас байрам куни бутун мусулмон олами Парвардигорга ҳамду сано айтган ҳолда бирлашади. Бу байрам, шунингдек, ибодат ва тазаррулар пайти ҳамдир.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, биз Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз халқи ҳамда бутун дунё мусулмонларига эса бу кунни яхши байрам қилишни тилаймиз.

**Қобус бин САИД,**
**Уммон султони**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 апрель куни Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг ассигнация қўмитаси раиси Роберт Ливингстон раҳбарлигидаги АҚШ Конгресси делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов америкалик меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон раҳбарияти АҚШ билан, жумладан, ушбу мамлакат Конгресси билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераётганини қайд этди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётгани қувонарлидир,— деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу йил февраль ойида Вашингтонда ўтган Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссияси сессияси самарали бўлганининг ўзиёқ фикримизнинг далилидир.

Конгрессменлар делегацияси раҳбари Р. Ливингстон қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ҳамроқулов иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси ассигнация қўмитаси раиси Роберт Ливингстон раҳбарлигидаги америкалик конгрессменлар делегацияси Олий Мажлисга ташриф буюрди.

Учрашувда парламент Раиси Э.Халилов америкалик меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчилик соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, Олий Мажлиснинг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳақида сўзлаб берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Олий Мажлиси билан АҚШ Конгресси ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Америкалик конгрессменлар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувларда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

## РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Туркия Республикаси Бош вазири Месут Йилмаз шу йил 12-14 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.***

## АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

## ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

**• ТАЪЛИМ**

### БИР ЙЎЛА ИККИ ДИПЛОМ

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия дорилфунуни талабалари янги ўқув йилидан бошлаб, халқаро университет ўқув дастури бўйича шуғулланади. Бунга яқинда мазкур илм даргоҳи жамоасининг Шиллер номидаги халқаро университет билан битим тузганлиги сабаб бўлмоқда.*

*Битимнинг қўшма таълим лойиҳасида банк, халқаро бизнес, молиявий менежмент, маркетинг, халқаро муносабатлар ва дипломатия, ҳуқуқ фанларига алоҳида афзаллик мақоми берилган. Энг қизиғи ва характерлиси шундаки, талабалар ўқишни битиргандан сўнг ҳар иккала университетнинг халқаро даражадаги бакалавр ва магистрлари қўшма дипломини олишади. Табиийки, бундай диплом соҳиби мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам бемалол ишлаши мумкин.*

**• САХОВАТ**

### МУРУВВАТ ДИЛНИ ПОКЛАЙДИ

*Наврўз яшариш, покланиш, янгиланиш байрамигина эмас, балки саховат, мурувват кўрсатишдек умуминсоний қадриятлар кўриги ҳамдир. Андижонлик мухбиримиз О. Шодмоналиевнинг хабар беришига кўра, «Экосан» халқаро жамғармаси Андижон шаҳар бўлими Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда савобга йўғрилган қатор тадбирларни ўтказмоқда. Ёшлар театрида халқ таълими бўлими томонидан васийликка олинган болаларнинг 50 нафарига байрам дастурхони ёзилиб, совғалар улашилди.*

*Марказий Осиёдаги йирик спорт мажмуаларидан бири саналган Теннис кортида «Энг намунали хонадон» кўрик-танловининг якуний беллашувига бош-қош бўлди. Чернобиль жабрдийдаларидан 25 нафари пойабзал билан таъминланди. Оила йили муносабати билан «Оила ва экология» мавзуига бағишланган кўргазмали плакатлар чиқарилди.*

**• ИМТИЁЗ**

### КЕЧА БУГУНГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Хива ёдгорликларининг ибтидоси ҳар бир хоразмликнинг тарихи билан тенгдир. Ичон қалъа музей қўриқхонасининг миллий меъморчилик ёдгорликларидан бири — Карвонсарой ўтган асрнинг биринчи чорагида Хоразм ҳукмдори Оллоқулихон томонидан қурдирилган эди. Баҳор байрамлари арафасида бу кўҳна бино янгича либос кийди. Бу ерда замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги савдо маркази очилди. Вилоят аҳли ва меҳмонлар марказдан зарур кундалик моллардан тортиб, теле ва радио-дастгоҳлар, мебел ва ҳатто енгил автомобилгача харид қилишлари мумкин.*

*Ҳозир марказнинг савдо майдони икки минг квадрат метрдан зиёд. Айни вақтда бу ерда харидорларнинг талаб ва истакларини ўрганадиган тадқиқот бўлимлари ҳам ўз фаолиятини бошлади.*

**• ХУШХАБАР**

### «ИСТИҚЛОЛ» САНЪАТКОРЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

*Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси жамоаси билан ижодий ҳамкорлик шартномасини имзолади, — деб хабарлайди Ҳ. Набираев.— Унга кўра, шу йилнинг май ва июнь ойларида янги барпо этилган «Истиқлол» боғида оилавий ансамблларнинг ҳамда «Янги тароналар» деб аталган миллий эстрада куй-қўшиқлари биринчи республика танловлари ўтказиладиган бўлди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, маданият ишлари бошқарма ва бўлимлари айни кунларда ушбу катта анжуманнинг вилоят босқичига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.*

*Танловларнинг дастур ва шартлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган.*

**• ҲУҚУҚ**

### ШАРТЛАШДИНГМИ, ШАРТИНГНИ БАЖАР

*Деҳқон йил-ўн икки ой меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирса-ю, уни харидорга қўш-қўллаб жўнатиб, ҳақини олишга келганда қуруқ қолаверса, бундан ёмони бўлмаса керак, — деб ёзади Миллий ахборот агентлиги мухбири Н. Душаев. — Тошкент тумани Тўлабий номидаги хўжалик бундан икки йил муқаддам Тошкент консерва заводи билан картошка, сабзавот ва мева етказиб бериш юзасидан шартнома тузган эди. Деҳқонлар ўз мажбуриятини бажаришди. Заводга қайта ишлаш учун 253262 сўмлик маҳсулот жўнатди. Аммо пулини ололмади. Шунинг учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Суд ариза юзасидан адолатли ҳукм чиқарди. Унинг қарори билан заводдан бир ой муддат ичида хўжалик деҳқонларининг ҳақи ундириб бериладиган бўлди.*

*Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тошкент вилоят хўжалик суди шу йилнинг ўтган даври мобайнида 188 хўжалик низоларини кўриб чиқди. Шартнома шартларини қўпол равишда бузган саксон хўжалик субъекти устидан қарор чиқарилиб, улардан қарийб 250 миллион сўм даъвогарлар фойдасига ундирилди.*

**Телефонларимиз:** 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Жўшқин кузатди.

## РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

**8 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида 1998-2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар, уюшма ва банклар, бирлашма ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1998-2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури тўғрисида"ги қарори қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев, коммунал хизмат вазири В.Михайлов, "Ўзтрансгаз" бирлашмасининг бош директори Н. Жулин, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари А.Нисневич маъруза қилди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов имзолаган "1998-2000 йилларгача бўлган даврда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастури тўғрисида"ги қарори Президентнинг "Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда 1990 йилда бошланган улкан ишнинг давоми бўлиб, республикада, айниқса, қишлоқда ижтимоий вазиятни яхшилашни барқарорлаштирувчи омилдир.

Ҳукуматнинг мазкур қарорида 1998-2000 йилларда 8,7 минг километрдан кўпроқ сув қувурлари тармоғи ва бир кеча-кундузда деярли 1 миллион кубометр сув ўтказадиган сув қувурлари иншоотларини қуриш кўзда тутилган. Бу эса, республика қишлоқ аҳолисининг марказлаштирилган тартибда сув билан таъминланадиган қисмини 64,5 фоиздан 76,8 фоизга етказиш имконини беради.

Қишлоқларни газлаштириш дастуридан кўзланган мақсад 2000 йилнинг охиригача қишлоқлардаги уй-жойлар (квартиралар)нинг ҳозирги пайтдаги 53,6 фоиз ўрнига камида 70,3 фоизини газ тармоқлари билан қамраб олишдан, республика вилоятлари бўйича туманларнинг газ билан таъминланишидаги номутаносибликни тугатишдан иборат.

Сув ва газ таъминотининг мазкур тизимларини республика ва маҳаллий бюджетлар, марказлаштирилган ва хорижий кредитлар, "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорацияси, шунингдек, хўжаликлар, корхоналар ва аҳоли маблағи ҳисобидан қуриш назарда тутилган. Ҳозирги вақтда республикада бу соҳада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мажлисда газ қувурлари қуришни тезлаштиришга, сув билан таъминлаш ва газлаштириш тармоқларида ислоҳотни чуқурлаштиришга, бу тармоқлар эҳтиёжи учун республикамизда ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга катта эътибор берилди. Тегишли ташкилот ва ҳокимликларга муайян топшириқлар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ҚАЛБИМНИ РОМ ЭТГАН ДИЁР

"Ўзбекнаво" концерт-гастроль бирлашмаси ташаббуси билан Тошкентда озарбойжонлик машҳур хонанда, халқ артисти Зайнаб Хонларова концерти бўлиб ўтди. "Халқлар дўстлиги" саройида икки кун давом этган концерт қўшиқ шайдоларига олам-олам қувонч бахш этди.

Хушовоз хонанда, Озарбойжон Миллий Мажлисининг депутати З. Хонларовани Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Бўритош Шодиева бошчилигидаги республика парламенти вакиллари, Озарбойжон, Грузия, Туркманистон Республикаларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари Ойдин Азимбеков, Гиви Абдушелешвили, Солтан Пирмуҳамедов табрикладилар. Ўзбекистон халқ артистлари Насиба Абдуллаева, Фаррух Зокиров ва бошқалар сўзга чиқиб, санъат ҳамиша халқларни бирлаштириб, дилларни бир-бирига яқинлаштириб келганини, яхши қўшиқ эса барча соҳа вакилларини ижодкорликка илҳомлантиришини таъкидладилар.

— Ўзбекистон қалбимни ром этган диёр ,— деди биз билан суҳбатда хонанда. — Биз кўп томондан бир-бирига ўхшаш халқларнинг фарзандларимиз. Мен сўнгги бор мамлакатингизга ўн олти йил муқаддам келган эдим. Шундан кейин жуда кўп юртларга сафар қилдим. Аммо серқуёш Ўзбекистондагидек санъатсевар, одамохун халқни учратмадим. Ўтган йили республикангизда ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида озарбойжонлик санъаткорлар ҳам қатнашганини биламан. Ўзбекистонлик санъат шайдолари ҳамиша дилимда. Сизлар билан дийдор кўришишга доимо ошиқардим. Мана, ниятимга етдим. Очиғини айтишим керакки, Тошкентга келиб, уни танимай қолдим. Шаҳар тамоман янги қиёфага эга бўлгани, бунёдкорлик ишлари давом этаётгани, албатта, мустақиллик шарофатидандир. Санъатга эътибор зўрлигини кўриб эса халқингиз тинч ва осойишта яшаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Чунки турмуши фаровон халқгина санъатга кўнгил қўяди. Бу галги учрашув ҳам қалбимдан ўчмайди. Бинобарин, юртингиздан олам-олам таассурот билан қайтмоқдаман. Ва ўзбекистонлик қўшиқ мухлислари билан яна учрашиш ниятидаман.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш – 98» тўртинчи халқаро кўргазмаси очилди. Унда АҚШ, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Австрия, Ҳиндистон сингари кўплаб давлатларда фаолият кўрсатаётган юзга яқин фирмаларда ишлаб чиқарилаётган энг замонавий тиббиёт технологиялари, дори-дармонлар намойиш қилинмоқда.**

Энг муҳими, республикамизда йилдан-йилга анъанавий тус олаётган ушбу кўргазманинг нуфузи тобора ошиб, унга бўлган қизиқиш ҳам кучайиб бораяпти. Бу галги иштирокчиларнинг қарийб учдан бир қисми илк бор иштирок этаётганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Тибмаҳсулот» (Тошкент) ҳамда «ITE Group» (Лондон) фирмалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмадан шунингдек, республикамизда ишлаб чиқарилаётган тиббиёт маҳсулотлари ҳам кенг ўрин олгандир. Хусусан, «Ўзфармсаноат» давлат акционерлик концерни «Медиз» қўшма корхонаси «Кетгут-Силк», «Хёхст-фарм», «Технофарм», «Сурхан-Аджанта фарма» сингари бир қатор фирмаларда тайёрланган тиббий воситалар ва дори-дармонлар шулар жумласидандир. Кўргазма давомида мамлакатимиз тиббиёт соҳаси вакиллари ҳамда хусусий тижоратчилар жаҳон медицина технологиясининг энг сўнгги ютуқлари ва янги, самарали дори-дармонлар билан яқиндан танишишлари, хорижий фирмалар билан ўзаро фойдали ҳамкорликлар юзасидан келишиб олишлари мумкин бўлади.

Республика Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев кўргазмани очар экан, мунтазам ўтказиб келинаётган бундай тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига замонавий технологияни жалб этиш, бу соҳадаги ўзаро ахборот алмашинувини янада фаоллаштиришдир, деб таъкидлади.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент вилоят ҳокимлигида хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Оила кодекси» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими мудирлари, шаҳар ва туманлар халқ судьялари, маҳаллалар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисаси Сайёра Хўжаева олиб борди.

– Қонун оддий фуқародан тортиб, то раҳбаргача бўйсуниши шарт бўлган энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир, – деди у қисқача кириш нутқида. Шундай экан, унинг дунёга келишида ҳар бир фуқаро, айниқса, оила масалалари билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишлари керак...

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси судьялар уюшмаси раиси, «Оила кодекси» лойиҳасини тайёрловчи ишчи гуруҳи аъзоси Абил Тўхташев кодекс лойиҳасини модда-модда шарҳлаб, унинг амалдаги қонундан фарқи, аҳамияти ва моҳияти ҳақида батафсил гапириб берди. У бугунги муҳокама қилинаётган лойиҳа эртанги кун учун ниҳоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилиш қатнашчилари лойиҳа юзасидан ўз мулоҳазалари, таклиф ва истакларини билдирдилар.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА.**

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# ОИЛАДА ВАТАН АКС ЭТАДИ

Матбуотда умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси ўзининг миллий руҳи, ўзига хос хусусиятлари билан олдинги кодекслардан тубдан фарқ қилади. Унда оила ва никоҳга оид оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилиш, никоҳ тузиш тартиби, никоҳ тузувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент хусусидаги мажбуриятлар, васийлик ва ҳомийлик, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш каби қатор масалалар баён этилган.

Кодекс лойиҳаси билан танишиш асносида баъзи фикр ва мулоҳазалар ҳам туғилди. Маълумки, «Бахт уйи»даги никоҳ вақтида ҳам, диний никоҳда ҳам келин-куёвларнинг вакиллари қатнашади. Шу боис 13-модданинг учинчи банди қуйидагича баён этилса: **«Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, уларнинг шахсан иштирокида ва ишончли вакиллар гувоҳлигида амалга оширилади»**. Шунингдек, 13-модданинг 4 ва 5-бандлари қўйидагича ёзилса: **«Узрли сабаблар бўлганда ёки алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, фарзанд туғилиши, никоҳланувчиларнинг ота-оналари бетоблиги ва бошқалар) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой тўлмаса ҳам ёки ариза берилган куни никоҳни тузиши мумкин».**

15-моддасида никоҳдан ўтиш ёши белгиланган. Бизнингча, 16-17, ҳатто 18 ёш ҳам ёшларнинг шахс сифатида шаклланадиган даври эмас. Бу ёшда улар ота-она паноҳида бўлишади, ҳаётнинг аччиқ -чучукларини сал бўлса ҳам татиб кўришмайди. Йигит уйланишдан олдин 2-3 йил отасига ёрдамлашсин. Армия сафида хизмат қилиб, йигитлик бурчини ўтаб келсин. Уларни сабр-тоқат билан кутган қизлар ҳаёт синовларидан ўтадилар, мустаҳкам оила қуришга тайёрланадилар. Отаси 17 ёшда дабдабали тўй қилиб, уйлантириб қўйган йигит жамиятга қандай хизмат қилиши мумкин. Яна бир гап. Агар қизларнинг 16 ёшдан турмушга чиқиши қонунлаштирилса, бу ҳолат оммавий тус олиб кетиши мумкин. Бу жамиятга қаттиқ ташвиш келтиради. Чунки ҳали ўзлигини англамаган ёшларнинг турмуши мустаҳкам бўлмайди, ажралиш кўпаяди, 16-17 ёшдаги ота-онадан туғилган фарзандлар ҳам соғлом ўса вермайди. Кўп ёш қизлар ўқимасдан, ҳунар эгалламасдан «уй бекаси» бўлиб қолишади. Наманган вилоятида ҳозирданоқ бундай ҳолатлар кўзга ташланади. Никоҳ қонуни қатъий бўлиши лозим, деб ўйлаймиз.

Таклифим шуки, 15-модданинг 2-банди бутунлай олиб ташланса ва қуйидагича ёзилса: **«Никоҳ ёши йигитлар учун 20 ёш, қизлар учун 18 ёш этиб белгиланади».** «Эркаклар, аёллар» деган сўзлар русчадан таржима бўлиб қолган. Ўзбек йигит-қизларининг шаъни, иффати, поклиги ва миллий ғурурини эътиборга олиб, Кодекс лойиҳасида: «йигит», «қизлар» деган сўзлар қўлланилса, маъқул иш бўларди.

226-моддада фамилия, исм ўзгартириш 16 ёшдан, деб паспорт олишга мослаштирилгани яхши, аммо яхши исм қўйилмаган шахслар ёки русча исмлар бузиб ёзилган фамилиялар ҳам борки, ёшлар орасида кулгига сабаб бўлади. Бу модданинг 1-банди қўйидагича ёзилса: **«... 16 ёшга тўлгандан кейин ёки алоҳида ҳолларда 16 ёшга тўлмаса ҳам ота-оналар аризаси у яшаб турган жойдаги ФҲДЁ органи томонидан кўриб чиқилади».**

**Исомиддин ЭРБЎТАЕВ,**
**иқтисодиёт университети профессори.**

# ВАКОЛАТ ЭГАЛАРИ АНИҚ БЕЛГИЛАНСА...

Эътиборимни тортгани шу бўлдики, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 7-моддасида фуқароларга деҳқон хўжалиги яратиш учун ер участкалари 0,06 гектар доирасида мерос қилиб қолдирилади, яъни умрбод эгалик қилиш учун ким ошди савдоси асосида сотилиши мумкинлиги айтилган. Лекин ўша ким ошди савдоси қаерда, қайси ташкилот томонидан ўтказилади? Бошланғич баҳони қандай ва қайси ташкилотга белгилаш статуси берилади? Ана шу томонига аниқлик киритиш керакка ўхшайди.

Шу лойиҳанинг 10-моддасига эътиборни қаратайлик. Унда сувдан фойдаланиш ҳақида гап боради. «Сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади», дейилган. Ваколат кимга берилган? Сувнинг эгаси аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Сув йўқ жойлардагилар-чи? Қайси ташкилот ёки корхона уларга сувни етказиб беради? Чўл шароитидагилар нима қилади? Шунинг учун ҳам ваколатли идоралар аниқ кўрсатиб қўйилиши талаб этилади.

**Ибодулла БОТИРОВ,**
**Иштихон туман шахсий, ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси.**

# ҲАЛОЛ РАҚОБАТ ЯНГИЛИКНИНГ ТУҒИЛИШИДИР

Бозор иқтисодиёти ердан самарали фойдаланиш учун рақобат бўлишини талаб этади. Бизда эса ер майдонлари илгариги колхоз ва совхозларнинг ҳуқуқий ворислари — йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарининг доимий эгалигидадир. Тўғри, юртимиз мустақилликка эришгач, улар негизида хўжалик юритишнинг бошқа шакллари вужудга келди, бироқ ердан фойдаланишнинг мазмунида жиддий ўзгариш қилинмади.

Аграр ислоҳотларни ижобий амалга ошириш учун, аввало ҳуқуқий йўналишда ердан фойдаланиш жараёнида рақобатни шакллантирмоқ зарур. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига маъмурий аралашувларни чеклаш керак. Агар ер шартнома асосида маълум муддатга ижарага берилса, ижарачилар ўша муддат давомида ердан оқилона фойдаланишга, ерни қўлдан чиқармаслик учун ўз томорқасидагидай меҳр қўйиб ишлашга мажбур бўладилар. Бундан нафақат ижарачи, балки халқимиз ҳам тўла манфаатдор бўлади.

Холисанилло айтадиган бўлсак, ердан фойдаланишнинг ижара шаклини татбиқ этиш давр талабидир. Менинг амалий таклифим шуки, ерни қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи бошқа йирик субъектлар учун фақат ижарага берилишини Ер кодексининг тегишли моддасида акс эттириш зарур.

**Р. КОМИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

# ЎЗБЕКИСТОН ИБРАТИ

ЮНЕСКО қошидаги Жаҳон маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитаси (ИКОМОС) миссиясининг вакили Жан-Луис Пол Мишон жорий йилнинг 24 мартидан 4 апрелигача Ўзбекистонда бўлди. 74 ёшли Пол Мишон Ислом маданияти соҳасида йирик мутахассис, меъморий ёдгорликларни асраш борасида илмий ва амалий ишлар олиб бораётган таниқли арбобдир.

Пол Мишон ўн кун давомида Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз меъморий ёдгорликларини таъмирлаш, сақлаб қолиш, улар атрофида аҳоли муҳити уйғунлашувининг аҳволи билан танишиб чиқди.

Ташриф пировардида Пол Мишон Ўзбекистон Президенти И.Каримов раҳбарлигида республикамизда маданий ёдгорликларни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо бериб, бу ўринда Ўзбекистон мисоли Шарқ ва Ғарб давлатлари учун ибратли эканлигини эътироф этди.

Пол Мишон Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жаҳон маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида фикрлашиб олинди.

Учрашувда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари М.Барри Лейн ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

ПРОКУРАТУРАДА

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда БМТнинг «Демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва Ўзбекистонда бошқарув тизимини такомиллаштириш» дастури асосида «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар ва прокуратура идораларининг фаолияти» мавзусида бир кунлик семинар ўтказилди.

Унда профессор Нур Фароғат, Миллий марказ директори профессор А. Саидов, Олий Мажлис қошидаги Амалдаги қонунлар мониторинги институти ходими Л. Кашинская ва бошқалар халқаро ҳуқуқ нормалари ва амалдаги қонунчилигимизнинг долзарб масалалари юзасидан фикр юритдилар.



# БУВАЙДАЛИК ЧЕВАРЛАР

***Ўзбек қизларига чеварлик ярашади. Чунки ҳар бир она қизи игнага ип ўтказа бошлаганиданоқ, қўлига бир парча мато тутқазади. Тикиш, бичиш, тўқиш сирларини ўргата бошлайди. Ҳувайдохон Шералиева (суратда) ҳам Бувайдадаги тикув трикотаж фабрикасига келганидаёқ бу борада анча тажрибаси бор эди. Болалар ва эркакларнинг 20 хилдан кўпроқ кийимлари ишлаб чиқариладиган бу корхонада у янги устозлар топди, ўз касбини янада мукаммалаштирди.***

***Жамоадаги тажрибали чеварларнинг самарали меҳнати ўлароқ, корхона маҳсулотлари кундан-кунга сифатли ва бежирим бўлиб бораётир.***

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

# МАЪМУРЧИЛИК ҚИШЛОҚДАН БОШЛАНАДИ

**Азал-азалдан ўзининг довруқли деҳқонлари, бағрикенг асл фарзандлари билан донг таратган Марҳамат тумани аҳли мустақиллик йилларида ўзгача шижоат, кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Водийдагина эмас, бутун мамлакатда биринчилардан бўлиб йиллик режани уддалаш туман пахтакорлари учун анъана бўлиб қолди.**

Улар ўтган йили 6895 гектар ердан 32,2 центнердан аъло сифатли ҳосил олдилар. Давлатга 39,672 тонна дон сотган ғаллакорлар ҳосилдорликни гектарига 77,3 центнерга етказдилар. Шунингдек, чорвадорлар 411 тонна гўшт, 2506 тонна сут, пиллакорлар эса 244,3 тонна «кумуш тола», сабзавоткорлар 1991 тонна неъмат яратишга эришдилар. Т. Мирзаев номли, Тожибоев номли, Қорабоев номли жамоа хўжаликлари, айниқса, бу борада ибрат олса арзигулик ютуқларни қўлга киритишди.

Ҳалол меҳнат туфайли қўлга киритилаётган даромаднинг бир қисми қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга сарфланаётганлиги эътиборга молик. Биргина ўтган йили Бобур номли, «Истиқлол» жамоа хўжаликларида 420 ўринли кўркам, замонавий мактаб бинолари, Т. Мирзаев номли, Тожибоев номли жамоа хўжаликларида эса даволаш муассасалари қуриб битказилди.

— Мактаб биноларини янгилаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда,— дея ҳикоя қилади туман ҳокими Абдуманноб Расулов. — Шу мақсадда махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, бу йил «Истиқлол» жамоа хўжалиги ўрамидаги 23-мактаб, Қорабоев номли жамоа хўжалигига жойлашган 25, Равот қишлоғидаги 14-мактабларнинг синф хоналарини кенгайтириш мўлжалланяпти.

Кейинги пайтларда, айниқса, ўтган йилдан бошлаб қишлоқларни газлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Марҳамат, Кўтарма фуқаролар йиғини ҳудудидаги ўнлаб хонадонларга табиий газ кириб келди. Шукурмерган, Полвонтош фуқаролар йиғини ўрамидаги 65-85 фоиз хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқда. Бироқ туман бўйича газлаштиришнинг эллик фоизга етказилганлигини ҳисобга олсак, ҳали бу борада кўп иш қилиш зарурлиги аён бўлади.

Шу кунларда «Ниёзботир-Полвонтош-Марҳамат» газ тармоғидан юқори босимли «зангори олов»ни туман қишлоқларига буриб юбориш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Соҳа мутахассислари, ишчилар қиш кунлари ҳам мазкур йўналишда астойдил меҳнат қилдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли тўққиз километр масофага газ қувури тортилди. Яна 7 километр узунликда қувур ётқизилиши керак.

Маълумки, Олий Мажлиснинг X сессиясида юртбошимиз айрим туманлар қатори Марҳаматда ҳам қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу туман раҳбариятини сергак торттирди.

— Ўша танқиддан сўнг тегишли хулоса чиқариб олдик, — дейди ҳоким. — Камчиликларни зудлик билан бартараф этишга киришдик. Туманимиз аҳолисининг 63 фоизи водопровод суви билан таъминланган.

238 километр масофага эса ер ости суви тарқатиш қувури ётқизилган. Бироқ улардан самарали фойдаланишнинг имкони бўлмаётир. Сабаби — ўта чуқурликдаги сувни тортиб олиш қувватига эга бўлган насослар етарли эмас. Шу боис ҳозир мутахассисларимиз ер ости суви яқин бўлган бошқа манбаларни қидирмоқдалар.

Асака сув иншоотидан об-ҳаёт олиб, уни Марҳаматга узатиш чоралари шулар сирасига киради. Ана шу кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун 13 километрлик йўналишга юқори босимга чидаш берадиган, сиғими катта қувурлар ётқизиш талаб этилади. Бундан ташқари, Ўқчи-Марҳамат сув тарқатиш шохобчасининг қуриб битказилиши ҳам туман маркази аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят ҳокимлиги ана шу ишларни шу йилнинг ўзида амалга ошириш учун 130 миллион сўм маблағ ажратди. Айни чоғда жойлардаги таъмирталаб артезиан қудуқларни тўла ишга тушириш, шу йўл билан 1240 нафар аҳоли яшайдиган Кичик Найман, Лумби, Катта Найман қишлоқлари хонадонларига тоза ичимлик суви етказиб бериш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган ишларнинг асосий қисми республикамиз мустақиллигининг етти йиллиги тантаналари кунига қадар поёнига етказилади. Юзлаб уй бекалари ғўзапоя ёқишдан қутилиб, «зангори олов» тафтидан баҳра олади, қишлоқ аҳли эса тоза, мусаффо об-ҳаётга эга бўлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАР

# ЭРТАНГИ КУНДАН УМИД

**Мамлакатимизнинг йирик олий ўқув юртларидан бири — Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида Париж-VI (Франция), Гринвич (Англия) университетлари ҳамда Тулуза шаҳридаги космик теледекцияни ривожлантириш француз компанияси билан ҳамкорликда табиий ресурсларнинг космик теледекция технологияси ва жуғрофий ахборотлар тизимлари ёрдамида бошқариш соҳасида магистрлар тайёрланадиган бўлди. Бу билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қуйида техника университетида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз боради.**

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кенг кўламли ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Таълим тизимида амалга оширилаётган ишларда бу, айниқса, яққол кўзга ташланади. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан бугунги ёшларимизнинг билими ва салоҳиятига боғлиқ. Табиийки, биз уларга қанчалик чуқур, пухта таълим берсак, эртанги кунимиздан умидимиз шунчалик катта бўлади.

Президентимиз республика Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида олий мактаб муаммоларига алоҳида тўхталиб, бу соҳада биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, олий ўқув юртларини ислоҳ қилиш чоғида уларнинг хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўз навбатида, хориждан малакали профессор-ўқитувчиларни таклиф этиш, битирувчи курсларда таълим олаётган талабаларнинг мутараққий давлатлардаги ўқув марказларида таҳсилни давом эттириш, ўқитувчиларимизни малака ошириш учун хорижга илмий сафарларга йўллаш долзарб вазифалардир. Университетимиз профессор-ўқитувчилари билан бамаслаҳат тарзда тегишли қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш юзасидан яқин йилларга ва истиқболга мўлжалланган ишлар режасини белгилаб олдик ва амалга оширишга киришдик.

Шуни таъкидлаш керакки, биз хорижга чиқаётган эканмиз, бу, аввало, истиқлол шарофати. Дастлаб биз Малайзиянинг «Ренонг Берхат» компанияси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатдик. Уларнинг ёрдами билан университетимизда бизнес бошқарув факультети ташкил этилди. У ерда 300 нафардан зиёд талаба инглиз тилида замонавий иқтисодий билимларни ўрганишяпти.

Ушбу факультетнинг ўзига хос жиҳатлари талайгина. Биринчидан, бу ерда таълим энг замонавий компьютер техникалари ёрдамида янги ўқув технологиялари асосида олиб борилади. Иккинчидан, ўқув хоналари бутунлай жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланган бўлиб, бундай шароитни унча-мунча нуфузли чет эл университетлари ҳам орзу қилиши мумкин.

1996 йилнинг сентябридан бошлаб яна бир янгиликка қўл урилди. Университетда Германиянинг машҳур «Siemens» фирмаси мадади билан автоматлаштирилган бошқарув йўналиши бўйича ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака ошириш техника маркази фаолият бошлади. Марказда 10 ихтисослик бўйича ўқув жараёнлари йўлга қўйилди. Шунингдек, бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари учун замон талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш ва малакасини оширишга хизмат қиладиган йигирмага яқин замонавий ўқув дастурлари амалда қўлланилмоқда. Юқори малакали ўқитувчилар талабаларга автоматлаштириш ва бошқарув жараёнлари муаммолари тўғрисида сабоқ беришаяпти.

Дастлабки натижалар «SIMATIC» тизимига мазкур ўқитиш усули талабалар билимини оширишда катта самара беришини исботлади. Айни пайтда марказ мутахассислари унинг фаолияти доирасини янада кенгайтиришни мўлжалламоқдалар.

Аёнки, тараққиёт жадал бораётган ҳозирги даврда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг хорижий таълим муассасалари билан ўзаро интеграцияланшуви муҳим аҳамият касб этади. Таъбир жоиз бўлса, ушбу жараённи таълим тизимидаги ислоҳотлар муваффақиятини таъминловчи асосий омиллардан бири, дейиш мумкин. Шу боис биз университетимиз фаолиятини ташкил этишда бу нарсага жиддий эътибор қаратишга интилаяпмиз. АҚШнинг Сан-Диего, Гавая, Миср Араб Республикасининг Қоҳира университетлари, Малайзия давлат университети, Туркиядаги Ота Турк номли университетлар билан талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви ва ўзаро илмий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди.

Шунингдек, Германиядаги Гамбург-Гарбург ҳамда Берлин университетлари билан биргаликда Европа Ҳамжамияти Комиссияси дастурларида иштирок этиш юзасидан ҳам келишиб олганмиз. Франциядаги Лион миллий институти, Англиянинг Колдердейл коллежи билан имзоланган шартномаларга биноан эса яқин вақтларда университетимиз қошида «Қурилмали ва программали таъминотлар» бўйича қўшма факультет ташкил этиш кўзда тутилган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардик. Университетимизда юксак салоҳиятли, иқтидорли талабалар кўп. Бундай умидли ёшларни хорижда ўқитиш эса уларга ҳар томонлама чуқур таълим беришнинг муҳим шартларидан биридир. Қувончли томони шундаки, ушбу масалага давлатимиз катта эътибор қараяпти. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармасининг бу борадаги мадади бениҳоя қўл келаяпти. Жамғарма ҳисобидан 1996 йили 19 нафар талабамиз ажнабий эллардаги ўқув юртларига йўл олишган бўлса, ўтган йили яна 60 нафар иқтидорли ёшлар белгиланган синов босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Америка, Франция, Англия, Германия олий ўқув юртларида бакалавр ва магистратура даражасини эгаллаш учун ўқиш имконига эга бўлдилар. Икки нафар талабамиз эса, халқаро «АКСЕЛС» жамғармаси ҳомийлигида Америка университетларида таҳсил олмоқда. Ўз навбатида, университетимизда 80 нафардан зиёд ажнабий талаба ва аспирантлар таҳсил кўришаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Германия билан доимий ҳамкорликни эътиборга олган ҳолда «ДААД» дастури бўйича ёшларимизга немис тилини пухта ўргатишга астойдил киришилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Темпус дастури асосида Европа (Германия ва Голландия) ва Марказий Осиё (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон) давлатларининг техника йўналишидаги университетлари концерни таъсис этилиб, Тошкент Давлат техника университети унинг мувофиқлаштирувчи маркази этиб танланди. Ушбу дастур асосида Гамбург-Гарбург ва Голландиянинг техника университетлари билан биргаликда маълумотлар технологияси муҳандислик телекоммуникацияси йўналишларини ташкил қилиш юзасидан лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилаяпти. Техника соҳасида таълим олаётган талабалар алмашинуви халқаро ассоциацияси — JAESTEга университетимизнинг аъзо бўлиши бу борадаги ишларнинг янада жонланишига туртки бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, университетимиздаги бир қатор факультетларда ҳам хориж билан алоқалар йўлга қўйила бошланди. Университетимиз муҳандислик-иқтисод факультети «Евроосиё» халқаро жамғармаси лойиҳасида иштирок этаяпти. Ушбу лойиҳа махсус грант асосида маблағ билан таъминланмоқда. Нефть ва газ факультети олимлари эса Англиянинг «Кор лаборотурис» фирмаси билан илмий ишлар олиб бораётир. Шунингдек, улар АҚШнинг «Инженеринг» фирмаси иштирокида автомобилларни газ ёнилғисига ўтказиш юзасидан изланишларни давом эттираяптилар. Тоғкон факультети илм аҳиллари Москва давлат университети вакиллари иштирокида «Ўрмон тупроқларининг экзогеодинамикаси» мавзуида, механика факультетининг «Ички ёнув двигатели» кафедраси Пхеньян давлат техника университетининг шу соҳага ихтисослашган кафедраси билан бир неча йилдан буён ҳамкорлик қилаётир. Д-144да дизель ёнилғиси иқтисод қилувчи камера яратилганлиги ушбу ҳамкорлик самарасидир.

Университетимиз фаолиятида бундай мисолларни янада кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда дунёнинг турли чеккаларидаги 15 давлатнинг нуфузли университетлари ва қатор халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган бўлса, келажакда бундай ўзаро фойдали алоқалар янада кенгаяди. Табиийки, хорижий ўқув юртлари билан интеграциялашув жараёни биз учун улкан имкониятлар ва ютуқлар эшигини очади.

Албатта, республикамиз таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган экан, ушбу масаланинг муҳим бир жиҳатига эътибор бериш лозим бўлади. Хусусан, ўқув юртларида ўқитиш сифатини ва талабалар савиясини ошириш учун, аввало, уларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг касб малакаларини жаҳон талаблари даражасига етказиш лозим. 1997 йил 30 декабрда Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинган «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борада айни муддао бўлди. Қарорнинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишдек масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Жамғарма грантлари эгаларини аниқлаш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда тест саволлари ҳам ишлаб чиқилган. «Устоз» жамғармасининг вилоятларда ташкил этилаётган бўлимларига ўша жойлардаги олий ўқув юртлари ректорлари раҳбарлик қилишаяпти. Грант эгаларини аниқлашда уларнинг ўз соҳалари бўйича билим ва тажрибалари ҳамда тузган дастурларига кўпроқ эътибор қаратмоқчимиз. Чунки хорижга ўқишга юбориладиган мутахассисларимиз ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлишлари зарур.

«Устоз» жамғармаси грантларини қўлга киритиш учун бўладиган синовларда бизнинг университетимиз профессор-ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этадилар. Негаки, ҳукуматимиз томонидан бу қадар кенг имкониятлар яратиб берилаётган экан, ундан самарали фойдаланиш зарур.

Мамлакатнинг, миллатнинг камол топиши йўлида улуғ ва беназир ислоҳот бошландики, у шак-шубҳасиз, Ўзбекистонимиз тараққиётини ойдин йўлга олиб чиқади. Бинобарин, профессор-ўқитувчиларимиз эккан уруғ мевали дарахт янглиғ эртага ҳосилга кириши тайин.

**Тўлқин МИРКОМИЛОВ,**
**Тошкент давлат техника университети ректори, академик.**

«Оила — муқаддас Ватан» танловига

# МАҲАЛЛАДА БИТТАГИНА...

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Маҳалланинг бир четида истиқомат қилувчи бу оилага кимлардир ҳавас қилса, кимдир ҳасад қилади. Аслида, бу оиланинг қўни-қўшнисидан ортиқ давлати, дангиллама кошонаси-ю, «Мерсе-дес»и тугул велосипеди ҳам йўқ. Кўпчилик катори маошга яшайдиган бир ишчи оиласидир. Аммо уни бошқалардан ажратиб турадиган бир хусусияти бор: иноқ, уюшқоқ, халқ ибораси билан айтганда, бинойи оила.**

Ҳотамтой Акбаров Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида чилангар бўлиб ишлайди ва ўн бир жонга бош бўлиб, отасидан қолган ҳовлида яшайди. Оиласининг фахри тўқсон ёшли волидаи мукаррамаси Гулсора момони саккиз қават кўрпа устида иззат-икром, меҳр-оқибат ила асрайди. Жаннат шул онанинг оёғи остида, деб биладилар-да, эр-хотин фарзандлари, неваралари билан нуроний момонинг атрофида гирдикапалак. Оиланинг учинчи одами, яъни Ҳотамтойнинг холаси Хосиятхон ўз уйида чок тикади. Тўнғич ўғил Одилжон отаси қанотида завод монтёри, ўртанча ўғил Иқболжон фабрикада оддий ишчи. Катта келини Бодомхон чинни заводида идишларга нақш берувчи рассом, иккинчи келини Иродахон поликлиникада ҳамшира, икки ўғли, икки қиз набиралар мактабга қатнайдилар.

Шунча одам бир ҳовлида яшаб, бир дарвозадан кириб-чиқиб турса-да, кўчага чурқ этган овоз чиқмайди. Ўн бир жон бир ёқадан бош чиқаргандай ягона ва яхлит, иноқ ва иттифоқ. Бу оиланинг ўз анъанаси, битилмаган қонун-қоидаси бор. Ҳамма унга сўзсиз амал қилади.

Ярим тунга бормай ҳамма ором ёстиғига бош қўяди, қуёш билан бирга уйғонади. Аввал Ҳотамтой бошлиқ ўғиллар, кетидан келинлар қуёшдан ҳам вақтли уйғониб, тасбеҳ ўгириб ўтирган Гулсора момони зиёрат қиладилар. Болалар ҳам бирин-кетин, пасту баланд бўлиб чарақлашиб, чувиллашиб момо-жону адажонлар ҳузурига саломга кирадилар.

Нонушта дастурхони ҳам Гулсора момонинг кенг хонасига ёзилади, келинлар улгуришса иссиқ нон ёпиб, ўртага қўядилар, баъзан дўкон бўлкаси, наҳорга нима насиб бўлса шуни баҳам кўришади-да, момонинг фотиҳасидан кейин хизматга, мактабга равона бўладилар.

Топганлари ўртада. «Барака бир қўлда» дейдилар-да, ойликчилар маошини Ҳотамтойга келтириб берадилар. Сарф-харажатни оила боши бажаради. Емак-ичмакдан ортганига ҳар ойда кимга нима зарур бўлса навбати, расамади билан харид қилади. Уйлари бут, рўзғори кам эмас.

Тушдан кейин мактаб болалар ўқишдан қайтгач, ечиниб, уй кийимини кийиб, ювиниб-тараниб биринкетин яна бувиларини зиёрат қилгани кирадилар. Ҳар бири ўз навбатида момоларини хурсанд қиладиган гап топиб келади — бири имтиҳонда неча баҳо олди, яна бири синовдан қандай ўтди. Интизом, одоб, ахлоқда ким қандай ўзини тутди — бу ҳақда ҳам ҳисоб бериб ўтадилар. Момо ила онанинг хурсандчилиги, қўл очиб дуо қилиши улар учун катта мукофот бўлади-да, гўё қанот пайдо қилиб уй юмушларига бериладилар.

Ҳар ким уйда нима қилишини билади. Момоси айтиб берган бир эртак ҳаммасининг қулоғида: «Кўчадан авлиё ўтаётган экан, бир одам боласини калтаклаётганини кўриб, нима учун уряпсиз болани?» деб сўрабди. «Айтганимни қилади» деб жавоб берган экан. «Ундай бўлса қаттиқроқ уринг!» дебди авлиё... «Айтганини қилса ёмонми?» ҳайрон бўлишибди болалар. Ўшанда Гулсора момо «Ўз билгидан иш қилмаган бола дангаса бўлиб қолади-да» деб жавоб берибди. Ўйлаб-ўйлаб бунинг маъносига тушунган неваралар буйруқ кутмай ўз билгиси билан иш қиладиган бўлиб етишдилар.

Болалар орасида ўзаро иззат-ҳурмат, салом-алик қаттиқ қоидага айланган. Эшикдан ҳеч ким саломсиз ичкарига кирмайди, мабодо салом беришни унутган бўлса, унга «бошқатдан киринг» дейиш кифоя. У дарҳол изига қайтиб бошқатдан қуюқ салом билан кириб келади. Бундан меҳр-оқибат пайдо бўлади.

Оилада «сен» деган сўзни эшитмайсиз. Ҳамма бир-бирини сизлаб гапиришга одатланган. Катталар ҳам кичикларнинг ҳурматини келтириб, сизлаб гапирадилар, уларни ҳам ўзи билан тенг ҳуқуқда билиб, бир одам қаторида кўрадилар. Ҳатто уларнинг оила ишидаги масъулиятини кўтариб, рағбатлантириб, ролини ошириш учунми, баъзан болалардан ҳам маслаҳат сўрайдилар. Бу эса болаларни фикрлашга, оила ишида ўз ўрни бор эканини сездириб, уларнинг масъулият, ҳис-туйғусини оширишга даъват этади. Болалар ҳам бирбирлари билан сизлашиб гаплашади, ўзаро маслаҳатлашиб, иноқ, иттифоқ иш тутадилар.

— Бундай қоида бобом замонида ўрнатилган эди, — дейди оила бошлиғи Ҳотамтой. — Уни давом эттириб келаяпмиз. Болалар болалигини қилади, албатта. Баъзан неваралар орасида ҳам можаро чиқиб қолади, аммо ҳақорат ёки ёқалашишгача етиб бормайди. Келишмовчилик жуда осон, силлиқ ҳал бўлади.

— Қандай қилиб?

— Ўйиндан ўт чиқиб, бир-бирига қўполлик қилгудай бўлса, ҳеч қандай қозилик ҳам қилмаймиз. Масалан, укасими, акасими, бирортаси «Фалончи мени хафа қилди» деб арз қилиб келгудай бўлса, «Бораверинг, ҳали ўзи билан гаплашиб қўямиз» деймиз. Шикоятчи, яна ортига қайтади-да, «ана, дадам ёки ойим ҳали ўзи билан гаплашиб қўяркан» деб яна бирга ўйнаб кетаверади.

Бир куни шундай воқеа юз берибди: энг кичик қиз неварасини Ҳотамтой «асал қизим, шакар қизим» деб эркаларкан. Катталар айвонда гаплашиб ўтиришган пайтда ўша қизча кўчадан ҳўнграб йиғлаб кирибдида, бобосининг бағрига отилиб:

— Энди шакар қиз ҳам бўлмайман, асал қиз ҳам бўлмайман!.. — дебди.

— Ҳа, нега? — деб сўраса, йиғлаб жавоб қилибди:

— Шакар бўлсанг чойга солиб ичиб қўяман, асал бўлсанг, — нонга белаб еб қўяман, деяптилар.

— Ким?

— Акам.

«Акангиз ҳазиллашибди» дедим, аммо ўзим ўйланиб қолдим. Болаларни ҳазилмутойиба, аскияга ўхшаш нозик сўзлар билан ҳам ошно қилиш керак экан. Биз болаларга тўғри сўзни ўргатиб, фақат ростгўйликка чорлар эканмиз. Ўзидан катта нима деса, кичиклар ўшани рост деб қабул қилар, ҳазилнинг ҳам тагини зил деб билар экан. Биз оилада буни кейин англадик.

Бола тарбиясида бу оилада қадимдан бир одат бор: ўғил болага ота тарбия беради, қиз болани онаси тарбиялайди. Тойчоқ от бўлгунча неча бор сакраб ўйноқлаши, неча марта озиб, семириши бор. Уни эгарлаб, юганлаб от қиладилар. Одам боласи ҳам вояга етгунча не йўлларга кириб чиқиши турган гап. Уни ота-она таъсирида ушлай билиш керак. Қуш инида кўрганини қилганидай, одам боласи ҳам ота-онадан, уй муҳитидан гула кўтаради. Шундай экан, ўғлонга отаси, қизалоққа онаси намуна бўлмоғи шарт.

Ҳотамтойнинг отаси ароқ тугул бўза ҳам ичмаган, бежо юрмаган, бировнинг ҳақига, омонатига хиёнат қилмаган, ёлғонни жинидан баттар ёмон кўрган. Унинг ўғли ҳам отасидай бўлиб ўсди, ўз навбатида фарзандларини ҳам ўзидай ўстиряпти. Шунинг учун бўлса керак, улар маҳалладан раҳмат эшитиб, мактабдан қутлов устига мақтов олиб турибдилар. Маҳаллада тўй-ҳашам бўлса ҳаммаси енг шимариб хизматга тушади. Биров иморат қурса — Ҳотамтойлар энг биринчи ҳашарчи. Қавм-қариндошлари ҳам улардан жуда миннатдор. Негаки хурсандчилик кунларини биргалашиб ўтказишади, хафачилик пайтларида мададкор, мусибат кўрган чоғларида энг биринчи ҳассакашу тобуткашлар ҳам шу оила аҳли ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, Ҳотамтойлар оиласи маҳаллада биттагина...



*Республикамизнинг энг йирик қоракўлчилик хўжаликларидан бири бўлган Нишон туманидаги «Нишон» давлат наслчилик жамоа хўжалиги чорвадорлари вилоятда биринчи бўлиб қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунладилар. Ҳар юз бош совлиқдан 106 бош қўзи олинди. Ўтган йили бу кўрсаткич юз бош совлиққа 101 та қўзини ташкил этган эди.*

*Хўжалик чорвадорлари сўнгги йилларда қўзиларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдиришга катта эътибор беришяпти. Бу йил ҳам 20 мингдан ортиқ қўзи ўстиришга қолдирилди. Бу тадбир хўжаликда йилдан йилга туёқ сонининг ортиб боришига олиб келмоқда.*



***СУРАТЛАРДА:** (юқорида) бош чўпон Райим Абдураҳмонов набираси Акмалбек билан отарда; қўй келади қўзи билан.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «ХАЛҚ СЎЗИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

### ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

*Кейинги пайтларда таҳририятдан юборилаётган ариза ва шикоятларга жойларда муносабат яхши томонга ўзгарди. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бошлиғи жаноб С. Азаматовнинг газетага йўллаган жавоб хати бунга мисол бўла олади.*

*Фуқаро А. Тожибоев таҳририятга ёзган мактубида илгари ўз кўчаларида катта ўлчамли автобуслар қатнагани, лекин кейинги пайтларда улар ўрнига йўловчиларни ташиш учун ана шу йўналишга ПАЗ русумли автобуслар қўйилганлигини ёзган эди.*



*Бундай қараганда муаммо унчалик катта эмасга ўхшаб кўринади. Лекин мутасадди ташкилот раҳбарлари масалага ўта жиддий муносабатда бўлганлар. Қаранг, мазкур мактуб Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» ва «Тошвилйўловчитранс» уюшмалари, «Тошкентавтойўл» концерни, Қибрай тумани автомобиль йўллар бошқармаси, Тузель қишлоқ фуқаролар йиғини, Т. Нормуҳаммедов номли жамоа хўжалиги, шу қишлоқ фахрийлар кенгаши, республика Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль назорати бош бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти автомобиль назорати бошқармаси ходимлари томонидан шикоят хати муаллифининг иштирокида кенгайтирилган йиғин ўтказилиб, кўриб чиқилган. Улар хатда кўрсатилган йўлни қайта кўрикдан ўтказганлар. Аниқланганки, йўлнинг қатнов бўлаги ҳамда марзаси учун ажратилган ер фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан деворлар ва сим тўрлар билан ўраб олиниб, томорқа ер майдонларига қўшиб олинган. Бунинг устига, четкаларига турли хил дарахт кўчатлари экилганлиги оқибатида йўл тағин ҳам торайиб, транспорт воситалари ҳамда пиёдалар ҳаракатланиш хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланиб, бу ҳақда тегишли далолатнома тузилган.*

*Хулоса шуки, юқорида кўрсатилган камчиликлар тўла тугатилиши шарт. Бунинг учун бир ой муддат белгиланди, шундан сўнг мазкур муаммога яна қайтилади, ўринли талаблар бажарилган бўлса, катта сиғимли автобуслардан фойдаланишга рухсат бериш масаласи янa кўриб чиқилади.*

*Кўриниб турибдики, хатда кўтарилган муаммо жуда синчковлик ҳамда холис кўриб чиқилган. Мутасадди ташкилотлар мутахассислари билдирган эътирозлар ўринли. Қарс икки қўлдан чиқади, деб бекорга айтмайдилар, катта ўлчамли автобусда юришни орзу қилганларнинг ўзлари ҳам бунга эришиш учун билдирилган эътирозларни қабул қилиб, кўрсатилган камчиликларни тугатиш чораларини кўрмоқлари зарур.*

### АЛИ УЧУН ВАЛИ АЙБДОРМИ?

*Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг Бахшивой, Ровот ва бошқа қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан келган мактубда кейинги пайтларда электр энергияси таъминотида узилишлар рўй бераётганлигидан норозилик билдирилганди.*

*«Бу борадаги чеклашлар, — дейилади туман ҳокими жаноб Ш. Исановнинг таҳририятга юборган жавоб мактубида, — вилоят туманлари барчасида келишилган жадвал юзасидан ўтказилмоқда. Самарқанд электр тармоқлари идорасининг чеклашларни жорий этишига асосий сабаб, фойдаланилган электр қувватига вақтида тегишли ҳақни ололмаётир. Ҳозирги пайтда вилоят бўйича ташкилотлар, корхоналар ва аҳолининг бу борадаги қарзи 2459,5 миллион сўмни ташкил этади. Туманимиз истеъмолчиларининг қарзи 59,6 миллион сўмни, шикоят хати муаллифлари истиқомат қилаётган Қўчқор Тўраев номли жамоа хўжалигининг қарзи 4,4 миллион сўмни, шу жумладан аҳолининг қарзи 2,7 миллион сўмни ташкил этади.*

*Бундай аҳвол электр тармоқлари идорасининг электр станцияларидан қарздор бўлиб қолишига, электр станциялари эса мазут, газ ва бошқа ёнилғиларни сотиб ололмай қолишига сабаб бўлмоқда, бу эса уларнинг бир маромда ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда».*

*Айтиш керакки, жамоа хўжалигининг қарзи учун аҳоли қийналмаслиги лозим. Фуқаролар ўртасида вақтида ҳисоб-китоб қилмаганлари бўлса, бошқаларда нима айб?.*

*Бозор иқтисоди шароитида яшамоқдамиз, эндиликда боқимандалик кетмайди. Электр қувватидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаганлар ва тўламаганларга бир хилда муносабатда бўлишни тўғри деб бўлмайди. Яъни, Али учун Вали жавоб бермасин.*

# ЯНГИ ТУЗИЛМАЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Почта ва телекоммуникация соҳаси кўп қиррали бўлиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва давлатни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис бозор муносабатларига ўтиш шароитида ушбу соҳада алоқа воситаларини ривожлантириш, тузилмавий ўзгаришларни такомиллаштириш, почта ва телекоммуникациялар бозорини эркинлаштириш, миллий телекоммуникация тармоғини дунё телекоммуникация ва ахборот тармоғига уйғунлаштириш, меъёрий-ҳуқуқий асосларни ташкил этиш бўйича ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Бу юмушларнинг ҳаммаси ҳукумат томонидан 1995 йилда қабул қилинган ва 2010 йил муддатгача мўлжалланган Миллий дастур асосида амалга оширилмоқда. Ўтган муддатда ана шу Миллий дастурда белгиланган мақсадларга эришиш борасида кўплаб ишлар қилинди. Хусусан, Президентнинг 1997 йил 23 июлдаги Фармонига биноан, ахборот тизимларини бошқариш соҳаси қайтадан тузилиб, мукаммаллаштирилди. Собиқ Алоқа вазирлиги негизида Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, шунингдек, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси акциядорлик компаниялари ва почта алоқаси давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Вилоятлар ва пойтахтдаги алоқа корхоналари эса очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди.

Бу янги тузилмалар эндиликда алоқа хизматлари ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш, иқтисодий кўрсаткичларни орттириш, алоқачиларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, муҳими, шу мақсадда яратилган улкан имкониятлардан тўла фойдаланиш йўлида фаол хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Фармон асосида Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги қошида почта ва телекоммуникация воситалари, тармоқларини техник қайта таъмирлаш, тузиш, ривожлантириш бўйича илмий-текшириш ишларини амалга ошириш, ижтимоий йўналишдаги ва устувор, айниқса, қишлоқ жойларидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида бюджетдан ташқари почта ва телекоммуникацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган эди. Бу жамғарма ҳам ҳукуматнинг муҳим режаларини бажариш, алоқа воситаларини ривожлантириш ва мукаммаллаштиришга бўлган талабларни қондириш учун давлат ва соҳанинг ички маблағларини тўплашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, илмий-текшириш ишларини, ахборот имкониятларини кенгайтириш, кадрлар малакаси ва салоҳиятининг юқори даражада бўлишини таъминлашни молиялаштиришда хорижий сармоядорларнинг қатнашишини кутмаса ҳам бўлади. Улар бозор қонунларига қатъий амал қилган ҳолда асосан, ўз маблағларини катта фойдалар олиш мумкин бўлган йўналишларга киритмоқдалар. Уяли (катакли) радиоалоқа, пейжинг алоқаси, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, маълумотларни узатиш, электрон почта ва бошқалар шулар сирасига киради.

Шунингдек, маркетинг изланишлар, ахборот хавфсизлигига эришиш, ўзимизда ишлаб чиқариладиган коммутацион тизимлар учун ўз дастурларимизни яратиш, Ўзбекистон Республикаси телекоммуникацион тармоғининг иқтисодий ва ҳудудий мустақиллигини таъминлаш ишларини йўлга қўйиш лозим. Бутун тармоқнинг уйғун ишлаши, миллий тармоғимизнинг халқаро тармоқларга уйғунлашуви ҳам соҳанинг ўзига хос вазифаларидан ҳисобланади. Қолаверса, бизда телефон алоқаси бўлмаган, почта ва даврий нашрлар шаҳарга нисбатан камроқ етказиладиган қишлоқ жойларидаги аҳоли пунктлари ҳам етарличадир. Бу муаммоларни ҳал этишда янги жамғарма имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимига кирувчи корхоналарни хусусийлаштиришдан олинган маблағларнинг 40 фоизи, акциядорлик жамиятлари ҳамда қўшма корхоналардаги давлатга тегишли акция (улуш)лар туркуми бўйича дивидентларнинг 25 фоизи жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгиланган. Бунга яна маълум алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар учун давлат пошлиналаридан тушувчи маблағларнинг 50 фоизи, жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз бадаллари, жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини банк депозитлари шаклида ёки бошқа шаклларда жойлаштиришдан олинган даромадларни қўшиш мумкин.

Шундай қилиб, жамғарма алоқа тармоқларини ривожлантириш ва яхшилаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш лойиҳалари, устувор масалаларни бюджет манбаларисиз, ўз манбалари асосида молиялаштиришни кўзда тутади. У бугунги кунда ўз фаолиятини бошлади. Унинг шаклланиш, расмийлаштириш босқичлари ортда қолди. Жамғарма ҳайъати тасдиқланиб, унинг раҳбарияти штатлари юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилмоқда. Асосий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Жамғарманинг дастлабки маблағлари, ҳайъат қарорига кўра, Тошкент вилоятининг алоқа тизими қурилмаларини кенгайтириш ва ривожлантириш, Тошкент почтаматида ягона компьютер тармоғини яратиш лойиҳалари учун сарфланади. Шу билан бирга, почтальонларга велосипедлар сотиб олиш, почта-касса аппаратларини алмаштириш, Сирдарё вилояти ҳамда Деҳқонобод туманидаги Ҳамид Олимжон номли хўжалик телекоммуникация тармоғини қайта қуриш лойиҳаларига тўловсиз пул ажратилади. Соҳанинг илмий-техник ахборот ва маркетинг изланишлар марказига ҳам илмий-текшириш ишлари учун 22 миллион сўмдан кўпроқ маблағ берилади. Ҳисоб-китобларга кўра, ана шу кўзда тутилган тармоқлар биринчи йили 200 миллион сўмга яқин ёрдам олишлари мумкин.

Бунинг учун, албатта, дирекция жамоаси ҳамда жамғарма ҳайъати аъзолари тиришқоқлик ва ижодкорлик билан ишлашларига тўғри келади. Жамғарманинг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришда ички имкониятлар ва манбалардан фойдаланиш фақат самара беришини кўрсатмоқда.

**А. ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

# БАҲОНАЛАР ОРТИҚЧА

Бу йил Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб плёнка остига экилган чигит «Фарҳод» ширкатлар хўжалигига қарашли Абдуолим Муҳаммадиев бригадасида униб чиқди.

— Мен 36 йилдан буён шу хўжалик, шу бригадада меҳнат қиламан. 17 март куни экилган уруғларимиз бугун ям-яшил бўлиб униб чиқиб, дилимизни яйратиб юборди, — дейди Абдуолим Муҳаммадиев. — 90 гектар майдоннинг 48 гектарига чигит экканмиз. Қолгани ғаллазор ва боғдан иборат. 10 гектар майдондаги ғўзаларимизга дастлабки ишлов беришни бошлаб юбордик. Сабаби бу йил ёғингарчилик кўп бўлди. Мўлжалимиз пахтадан ҳам, ғалладан ҳам 50 центнердан ҳосил олишдир. Бунинг учун ҳар бир тадбирни ўз вақтида амалга ошириш даркор бўлади. Сув, ўғит ва ишловга зориқмаган ниҳоллар деҳқоннинг косасини оқартириб, дастурхонини тўкин қилади. Қолган ҳамма гап, баҳоналар ортиқчадир.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

УН, ШАКАР, ЦЕМЕНТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР УЧУН

Янги
универсал

ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР
сотилади.

√ Туркиядаги ишлаб чиқарувчи фабрикалардан тўғридан-тўғри келтирилган.
√ Ички целлофан қопламали ҳамда қопламасиз.

DM FIRMA DEMIR

Манзил: 700083, Тошкент ш., Бухоро кўч., 26.
Тел.: 133-06-00, 133-81-48, 132-13-08, 56-12-98, 41-87-73 Факс: 40-65-37

аджанта фарма лимитед
ТРИДЦАТЬ ПЛЮС
Бардам ва тетик бўлишингиз учун



Шаҳар дорихоналаридан сўранг

Реклама ва эълонлар 136-09-25




MASTER-PRESS
«МАСТЕР-ПРЕСС» фирмаси
Ўзбекистон рўзномалари, халқаро ва Россия журналлари ҳамда бошқа оммавий ахборот нашрлари
Йил давомида!
Филиал: Тошкент ш. Усмон Юсупов кўч, 1А. («Динамо» дўкони қаршисида).
Телефон: (3712) 41-50-10.
Агент хизмати бепул!!!
436

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона қўшма корхона
"Лок колор синтез"
ишлаб чиқарувчи заводи
янги арзонлаштирилган нархларда
УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРНИ, ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ, МАТЛИ ЭМАЛЛАРНИ, Шифт ва деворлар учун БЎЁҚЛАРНИ таклиф этади.
КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!
СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент, 3-5т савдо ер тарозиси, 0,25х712х820 ўлчамли ЭЖК оқ ва ГЖК қора тунукалари.
Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.
111

